

**Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида ижро  
интизоми, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари  
билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида**

**МАЪЛУМОТНОМА**

*(2023 йил 1- чорак ҳолатига)*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги кумитасига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги тизимлар орқали келиб тушади. Улар:

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;**
- **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан;**
- **Тадбиркорлар виртуал офиси ахборот порталидан** *(аввалги Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси);*
- **Соғлиқни сақлаш вазирлигидан (ЭДО);**
- **ёзма, оғзаки, ишонч телефони ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган мурожаатлар.**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлик кўмитасига 2023 йилнинг 1- чораги давомида жами **654 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **573 таси (87,6%)** виртуал тизим орқали, **24 таси (3,6%)** ёзма, **30 таси (4,5%)** оғзаки ва **27 таси (4,1%)** ЭҲА (ЭДО) орқали келиб тушган.

**Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда:**

- Тошкент шаҳридан - 113 та,
- Андижон вилоятидан - 20 та,
- Бухоро вилоятидан - 28 та,
- Жиззах вилоятидан - 36 та,
- Қашқадарё вилоятидан - 45 та,
- Навоий вилоятидан - 19 та,
- Наманган вилоятидан - 30 та,
- Самарқанд вилоятидан - 41 та,
- Сурхондарё вилоятидан - 23 та,
- Сирдарё вилоятидан - 11 та,
- Тошкент вилоятидан - 68 та,
- Фарғона вилоятидан - 31 та,
- Хоразм вилоятидан - 22 та,
- Қорақалпоғистон Республикасидан - 18 тадан мурожаатлар келиб тушган.

**Таснифлар бўйича:**

- **раҳбар ва ходимлар ҳатти-ҳаракати юзасидан 7%** (2022й - 14,9%) (Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари

юзасидан, раҳбарлар ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят, бошқа давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозилик);

- **меҳнат ва аҳоли бандлиги юзасидан 20%** (2022й -12,4%) (ишдан ноқонуний бўшатиш, меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш, иш ҳақини вақтида ва тўлиқ тўламаслик, иш ставкаси камлиги, қўшимча тўловлар тўланмаганлиги);

- **аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича 43%** (2022й -43,6%) (санитария қоидалари ва меъёрларини бузилиши, санитария назорати, эпидемиология масалалари, гепатитлар ва бошқа тур юқумли касалликларга қарши вакцинация, даволаш-профилактика ёрдами, шошилиш ва тез тиббий ёрдам, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш);

- **коронавирус билан боғлиқ муаммолар бўйича 4% дан ортиқ** (2022й -11,3%) (булар карантин билан боғлиқ муаммолар, карантин даврида меҳнат муносабатлари, коронавирус тарқалиши билан боғлиқ муаммолар);

- **дезинфекция тартиблари тўғрисида 3%** (2022й -1,5%);

- **тиббий муассасаларнинг фаолиятдан норозилик 3%** (2022й -4,5%);

- **санитария-эпидемиологик хулосалар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва бошқа масалалар 15%** (2022й -17%);

- **мурожаатларнинг 4%** соҳага оид таклифлар ҳамда

- **мурожаат турларига киритилмаган аризалар 0,6%** миннатдорчилик ва ташаккурномалардан иборат.